

**ARTICLE INFO**

Received: 14<sup>th</sup> December 2022  
Accepted: 24<sup>th</sup> December 2022  
Online: 25<sup>th</sup> December 2022

**KEY WORDS**

## ҲОМИЛА ЎСИШИ ЧЕГАРАЛАНИШ СИНДРОМИ МАВЖУД ҲОМИЛАДОРЛАРДА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУГРУК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ, ЯНГИ ТУГИЛГАН ЧАКАЛОКЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Аслонова М.Ж.

Бухоро давлат тиббёттөн институти Ақушерлик ва гинекология  
кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7482855>

**ABSTRACT**

Замонавий неонатология ва ақушерлик назарияси ва амалиётида ҳомила ўсиши чегараланиш синдроми (ҲЎЧС) ва уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш, уларнинг холисона классификациясини ўрнатиш муаммосини долзарб масала сифатида қарааш жамиятнинг перинатал ва репродуктив саломатлигини ташкиллаштиришда мухим аҳамият касб этади.

Замонавий неонатология ва ақушерлик назарияси ва амалиётида ҳомила ўсиши чегараланиш синдроми (ҲЎЧС) ва уни келтириб чиқарувчи омилларни ўрганиш, уларнинг холисона классификациясини ўрнатиш муаммосини долзарб масала сифатида қарааш жамиятнинг перинатал ва репродуктив саломатлигини ташкиллаштиришда мухим аҳамият касб этади. Муаммонинг долзарблиги ҲЎЧС туфайли ҳомилалар орасида ўлим ҳолатларининг кузатилиши, туғилган болаларда эса анатомик мослашувида паталогияларнинг кузатилиши билан шартланган.

Ҳомила ўсиши чегараланиш синдроми (ҲЎЧС), ўз вактида туғилган чақалоқлар орасида 5 дан 22% частотагача, муддатидан олдин туғилган чақалоқлар орасида – 18 дан 24% гача частотада учрайди. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мутахассисларини маълумотларига кўра Марказий Осиёда

ҳомила ўсиши чегараланиш синдроми частотаси 31,1%, АҚШ да 10-15% га, Россияда 2,4-17% га етади. Ҳомиладорликнинг ривожланмаслиги ва ҳомила ўсиши чегараланиш синдроми ривожланишда кўпинча умумий патогенетик механизmlар мавжудлиги билан бир-бири билан боғлиқ бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунга қадар, Ўзбекистон шароитида ҲЎЧС ни ташҳис қилиш, уни аниқлаш ва даволашни қамрайдиган холисона, умумий қабул қилинган ягона клиник ёндашув ҳали таклиф қилинмаган. ҲЎЧСнинг кузатилиш интенсивлиги жуда ўзгарувчан қийматга эга – унинг кўрсаткичи 1-30% интервалида ўзгариб туради. Бу ҲЎЧСнинг республика вилоятлари бўйича нотекис тақсимланганлигидан далолат беради. Бухоро вилояти аёлларида ҲЎЧС тарқалганлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ҳозирги кунгача амалга оширилмаган. Ҳам



гравидар босқичдан аввал, ҳам гестациянинг эрта муддатларида ҲЎЧС ни прогноз қилишнинг комплекс тизимлари йўқ. Мавжуд илмий маълумотлар ҲЎЧС нинг мултифакториал характеристидан далолат беради, лекин на генетик, на эпигенетик омилларнинг аҳамияти охиригача аниқланмаган. ҲЎЧС нинг асосий сабаби бачадон-плацента-ҳомила тизимида ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келувчи плацентар етишмовчилик ҳисобланади деб тахмин қилинади. Бугунги кунда трофобластнинг инвазия жараёнлари, спирал артерияларнинг ўзгаришлари, гормонлар ва ўсиш омилларининг маҳаллий фаоллиги воситасида трофобластлар ва эндометрия ўртасида паракрин ўзаро муносабатлар, ҳомилани ўсиши ва ривожланишига плацентар стероидлар ҳамда пептидларнинг таъсири ўрганилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ҳомила ўсиши чегараланиш синдроми кузатиласи ҳомиладорларда ҳомиладорлик ва тугруқ кечиш хусусиятлари, янги тугилган чакалоклар ҳолатини баҳолаш натижаларини ўрганишдан иборат

**Тадқиқотнинг обьекти** жами 120 нафар ҳомиладорлар текширилди. Барча текширилган аёллар қўйидаги гуруҳларга бўлинди: I-гуруҳ - асосий гуруҳ, текширув вақтида

ҳомиладорлиги ҲЎЧС ривожланиши кузатилган 90 нафар ҳомиладорлар ташкил қилди. II- назорат гуруҳи, 30 нафар нисбатан соғлом ҳомиладорлар киритилди.

Асосий гуруҳда ҳомиладорларнинг ўртacha ёши  $26,78 \pm 0,63$  ёшни, назорат гуруҳида  $26,20 \pm 0,9$  ёшни (19 ёшдан 37 ёшгача) ташкил этди ( $p < 0,05$ ).

Тадқиқот давомида асосий гуруҳ ҳомиладорларда назорат гуруҳига нисбатан ҳомиладорлик давомида бир неча хил асоратлар юзага келди, жумладан: ҳомиладорликнинг дастлабки даврларидаларида ҳомила тушиши хавфи (асосий гуруҳда 44,2% назорат гуруҳида 10,7% га нисбатан,  $P < 0,05$ ), ретрохореал гематома (асосий гуруҳда 20%), муддатдан олдинги тутрак ҳавфи (асосий гуруҳда 43,3%, назорат гуруҳида 10% га,  $P < 0,05$ ), камсувлилик (17.7% назорат гуруҳида 3.3%,  $P < 0,05$ ), енгил преэклампсия (8.9% назорат гуруҳида 1%,  $P < 0,05$ ) ривожланиши ҳам анча кўп кузатилган. Оғир преэклампси 12,2% ҳолларда асосий гуруҳда ҳомиладорлик жараёнини мураккаблаштириди ва назорат гуруҳида қайд этилмади. Нормал жойлашган йўлдошнинг вактидан олдин кўчиши (НЖЙОА) асосий гуруҳда 4,4% ни ташкил этди, назорат гуруҳида ушбу асорат кузатилмади (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳларида ҳомиладорларда ҳомиладорлик кечишининг хусусиятлари

Асоратлар	Асосий гуруҳ (n=90)		Назорат гуруҳ (n=30)		фарқларнинг ишенчлилиги
	абс.	%	абс.	%	
Ҳомила тушиш хавфи	30	33.3	3	10	$p < 0,05$
Ретрохореал	18	20	0	0	$p < 0,05$



гематома					
Хомиладорликнинг муддатдан олдин туғиши хавфи	39	43.3	3	10	p< 0,05
Енгил преэклампсия	8	8.9	1	3,3	p< 0,05
Оғир преэклампсия	11	12.2	0	0	p< 0,05
Камсувилилк	16	17.7	1	3.3	p< 0,05
НЖЙОА	4	4,4	0	0	p<0,05
Хомила ноаниқ холати	10	11.1	0	0	p<0,05

Умуман олганда, ҲЎЧС ривожланиши патогенетик механизмларини инобатга олган ҳолда, уларни клиник ва диагностик аҳамиятини ҳар томонлама ўрганган ҳолатда хавф гуруҳига кирган ҳомиладорларни аниқлаш ва текшириш, ҲЎЧС ривожланишини башоратлаш имконини берди, жумладан:

1. Клиник ва анамнестик текширув;
  2. Ультратовуш маркерлар орқали хомиланинг ўсишини прогностик баҳолаш;
  3. Фетоплацентар тизим қон оқимининг допплерометрияси: - (СДО, ПИ, РИ, ЦПН);
  4. Плацента ва амниотик суюқликни баҳолаш;
  5. Ҳомиладорларнинг гемостаз параметрларини ўрганиш (кўрсаткичларни аниқлаш гемостазнинг плазма боғланишидан (АҚТТ, ПИ, МНО) ва тромбофилия маркерларидан (Д-димер)
  6. Эндотелиал дисфункция генларини аниқлаш (ITGB-3)
- Хавф омилларини, ҳомила ўсишини чегараланиш синдроми ривожланишининг патогенетик сабабларини ўрганиш, ҳомиладорларни замонавий текшириш усулларини ўрганиш асосида ҲЎЧС даволаш самарадорлиги ҳамда перинатал натижалар таҳлил қилинди. ҲЎЧС

кузатилган ҳомиладорларни комплекс даволаш чораларига киритилган:

ҲЎЧС билан биргалиқда ҳомиладорликнинг асоратлари (преэклампсия, муддатдан олдинги туғиши хавфи, камқонлик, ҳомила ичи инфекцияси) ва соматик касалликларни миллий стандарт ва протоколлар бўйича даволаш.

Генетик тромбофилия аниқланганда, коагулограмма параметрлари ва тромбофилия маркерлари (д-димер) назорати остида паст молекуляр оғирлиқдаги гепарин препаратлари (клексан) қўлланилди

**I даражали ҲЎЧС** кузатилган ҳомиладорларда, фетометрик кўрсаткичлари, допpler кўрсаткичларини нормаллаштириш ва комплекс дифференциал терапиянинг самарадорлиги 81,9% ни ташкил этди. Ҳомиладорларнинг кўпчилигининг туғилиши ҳомиладорликнинг 37 дан 40 ҳафтагача бўлган даврда содир бўлган. Табиий туғруқ йўллари орқали 82.3% ни, кесарча кесиш операцияси орқали 17.6 % ҳолатда яқунланди. I даражали ҲЎЧС билан табиий туғруқ йўллари орқали туғруқни амалга ошириш кўрсатмаларига: ҳомила боши билан келиши, тўлиқ муддатли ҳомиладорлик, бачадон бўйни етилганлиги, табиий туғруқнинг бошланиши, ҳомила



ҳолатини кузатиш ва бачадоннинг қисқарувчанлик фаолияти. **II даражали ҲЎЧС** кузатилган ҳомиладорларда, комплекс дифференциал терапиянинг самарадорлиги 35,5 % ни ташкил этди. II даражали ҲЎЧСда ҳомиладорлик узайтириш мезонлари қуидагиларни ташкил этди: фетометрик кўрсаткичларнинг барқарор туриши, ҳомила-плацента қон айланиши ва ёки ҳомила қон оқимининг марказлашуvinинг дастлабки белгилари (ўрта мияда СДО 2.8-2.9 қиймат оралиғида 34-37 ҳафта бўйича), бачадон йўлдош қон оқимининг бузилишларининг йўқлиги (бачадон артериясида СДО 2.4 қийматдан юқори ҳолатда) енгил прееклампсия; ҳомилада қон оқимининг марказлашуви йўқлиги ёки УТТ бўйича гипоксиянинг дастлабки белгилари кузатилган ҳомиладорлар.


ҲЎЧС II даражаси билан 51.1% ҳолатда туғруқ 34 дан 38 ҳафтагача бўлган муддатларда содир бўлди.

Ушбу гуруҳда ҳомиладорларнинг 76.1% табиий туғруқ йўллари орқали, 23.8% кесар кесиш йўли билан олиб борилди. 15.8% да операция даво муолажаларнинг самарасизлиги ва/ёки ҳомиланинг ёмонлашиши, прееклампсия, экстрагенитал патология ва/ёки онанинг оғир акушерлик-гинекологик анамнези билан II даражали ҲЎЧС комбинацияси туфайли режали равишда амалга оширилди. 8% да - шошилинч равишда сурункали ҳомила ичи гипоксия ва туғруқ асоратлари кўпайиши сабабли амалга оширилди.

**III даражали ҲЎЧС** кузатилган ҳомиладорларда, комплекс ифференциал терапиянинг самарадорлиги 9,9 % ни ташкил этди. Фетометрик кўрсаткичларнинг ошиб бориши, бачадон йўлдош қон оқими кўрсаткичларининг барқарорлашириш, ҳомила қон оқимининг марказлашуvinинг йўқлиги ёки дастлабки белгилари, УТТ да ҳомилада ўзгариш кузатилмаган ҳолатда, она ва боланинг аҳволи динамикада кузатув остида ва албатта 34 ҳафта муддатидан олдин корtekостероидлар қўлланилган ҳолатда узайтирилди.

III даражали ҲЎЧС кузатилган аёлларнинг 71.4% да оғир даражали прееклампсия, ҳомила ўтқир гипоксияси ҳамда нормал жойлашган йўлдошнинг вактидан олдин кўчиши каби асоратлар сабабли шошилинч кесарча кесиш амалиёти ўтказилди (расм 1). Фақатгина 28.6% ҳолатда оғир дарали ҲЎЧС кузатилган аёлларда ҳомиладорлик табиий тугруқ йўллари орқали тугатилди. Бунда ҳомиладорлик ҲЎЧС I ва II даражали ҳомиладорларга нисбатан оғир даражали ҲЎЧС мавжуд аёлларда тугруқ муддатидан олдинрок, 71.6% ҳолатда 32-36 хафталарда тугрук содир бўлди.

Шундай қилиб, ҲЎЧС мавжуд ҳомиладорларни дифференциал ендашув асосида олиб борилганда бир канча акушерлик ва перинатал асоратлар кўрчаткичи пасайишига, антенатал ва перинатал ўлим ҳолатларини камайишига олиб келиши аниқланди.



**1 Рasm. Асоратланмаган ва ХҮЧС кузатилган ҳомиладорларда табиий түфрук  
жамда оператив туғилиш частотаси**

Умуман, тадқиқот натижалари бу ХҮЧС ақушерлик тактикаси учун замонавий табақалаштирилган ёндашув перинатал натижаларини яхшилаш мүмкін, деб күрсатилган. Янги туғилған чақалоқларнинг ҳолатини ва туғилиш пайтида асфикциянинг оғирлик

даражасини Апгар шкаласи бүйича ўрганганимизда қуйидаги натижалар кузатилди.

Асосий гуруҳда муддатида туғилған чақалоқлар 67 % ни, эрта туғилған чақалоқлар 33 % ни ташкил этди.

## 2-жадвал

### Янги туғилған чақалоқларнинг умумий хусусияти, %

Асосий күрсаткичлар	Асосий гурух	Назорат гурухы	Фарқларнинг аҳамияти
Муддатда туғилған	67	100	P <0,005
Муддатдан олдин туғилған	33	0	P <0,005
Тана вазни	2030,9±600*	3645,7±370	P <0,005
Тана узунлиги	40±4,5**	52±1,8	P <0,005

Эслатма: \*-P>0,05; \*\*-P<0,01; назорат гурухы билан солиширилаётган гурухдаги беморларда күрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлиги.

Янги туғилған чақалоқнинг туғруқдан кейинги ўлими асосий гурухдаги болада 1 ҳолатда содир бўлган, аммо ўлимнинг асосий сабаби илгари аниқланмаган туғма юрак нуқсони бўлган: трикуспидал клапан гипоплазияси ва юрак етишмовчилиги, кардиомегалия


Тиббий ёрдам ҳажми асосий ва назорат гурухларида янги туғилған чақалоқларни стационар даволаш муддати сезиларли даражада фарқ қилди

Туғилған болаларнинг ҳолатини баҳолашда шуни таъкидлаш керакки, назорат гурухи болаларининг 89% ва асосий гурух янги туғилған чақалоқларнинг 65,9% мустақил нафас олди (p<0,05).

Болаларнинг қониқарли аҳволи (7-8 Апгар балл) назорат гуруҳида сезиларли даражада кўпроқ қайд етилди - 67,9%, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич 44,8% ( $p<0,05$ ) ни ташкил этди. Ўртacha гипоксия (5-6 Апгар балл) янги туғилган чақалоқларнинг асосий гуруҳида - 43,7%, назорат гуруҳида эса ўртacha гипоксия 32,1% болаларда кўпроқ тарқалган.

Шуни таъкидлаш керакки, частотадаги фарқ унчалик катта бўлмаган ва

ишончлилик мезонларига жавоб бермаган ( $p>0,05$ ). Асосий гуруҳда ўртacha оғирлиқдаги гипоксия (3-5 Апгар балл) 8% ҳолларда аниқланган, назорат гуруҳида бундай гипоксия аниқланмаган ( $p<0,05$ ). Асосий гуруҳда оғир гипоксия (1-3 Апгар ҳисобида) 3,4% ни ташкил этди, назорат гуруҳида туғилганда аҳволи оғир болалар йўқ эди (расм 2).



**Расм.3 Тадқиқот гуруҳларида Апгар шкаласи бўйича туғилган чақалоқларда асфиксия оғирлиқ даражасини баҳолаш, %**

SPAP технологияси назорат гуруҳида 31% га нисбатан 7% асосий гуруҳ болаларида тез-тез ишлатилган ( $p<0,05$ ). Сунъий ўпка вентиляцияси (вентилятор) дан фойдаланиш асосий гуруҳнинг 6% ҳолатларида талаб қилинган ва назорат гуруҳида қўлланилмаган, асосий гуруҳ болаларининг 46% ва назорат гуруҳи болаларининг 93% туғилгандан кейин она ва бола тизимига ўтказилган.

Шундай қилиб, истиқболли тадқиқотлар таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, патогенетик текширувга асосланган X'UCh билан ҳомиладор аёлларни бошқаришга замонавий ёндашув, шунингдек, ушбу асорат билан ҳомиладор аёлларни даволаш ва етказиб беришда табақалаштирилган тактика перинатал натижаларни сезиларли даражада яхшилаши мумкин.

### References:

- Arutyunyan A.V., Zainulina M.S., Kornyushina E.A., Pustygina A.V., Mirashvili M.I. Modern approaches to diagnosis, drug therapy and prevention of obstetric complications in women with thrombophilia. Journal of Obstetrics and Women's Diseases. 2010; LIX (4): 90-8.



2. Aslonova M.Zh., Ikhtiyarova G.A., Khafizova D.B., Mirzoeva M.R. Microbiological and hormonal characteristics of the formation of non-developing pregnancy // Fundamental and practical issues of immunology and infectious diseases. Collection of scientific articles of the participants of the international scientific-practical conference. UFA. - 2018. -- S. 9-15.
3. Aslonova MJ, Ikhtiyarova GA, Mavlyanova NN. Association of ITGB3 gene polymorphisms with the risk of developing fetal growth restriction syndrome. *MOJ Women's Health.* 2021;10(4):97–100. DOI: 10.15406/mojwh.2021.10.00296
4. Аслонова М. Ж., Ихтиярова Г. А., Мавлянова Н.Н. ОЦЕНКА ВЫЯВЛЯЕМОСТИ ПОЛИМОРФИЗМА ГЕНА ИНТЕГРИН АЛЬФА-2 (ГЛИКОПРОТЕИН IA/IIA ТРОМБОЦИТОВ PLAII) (ITGA2) У БЕРЕМЕННЫХ С СИНДРОМОМ ОГРАНИЧЕНИЯ РОСТА ПЛОДА // NAZARIY va KLINIK TIBBIYOT. – С. 19.
5. Dustova N.K. Ikhtiyarova G.A. Aslonova M.Zh. The role of infectious factors in fetal loss syndrome // Tibbiyotda yangi kun. - 2020. - No. 1 (30/2) - P. 116 - 119.
6. Dustova N.K., Ikhtiyarova G.A., Aslonova M.Zh. Correlation of cytokine status and vascular endothelial growth factor in pregnant women with chronic venous insufficiency // Tibbiyotda yangi kun. - 2020. -- S. 197 - 201.
7. Zamira Shukhratovna Kurbanova, Gulchehra Akmalovna Ikhtiyarova, Makhliyo Juraboyevna Aslonova. (2021). METHODS OF DIAGNOSIS OF HORMONAL AND BIOCHEMICAL DISORDERS IN GIRLS WITH THE SYNDROME OF DEVELOPING POLYCYSTIC OVARIES. *Journal of Natural Remedies*, 22(1(1), 71-82. Retrieved from <http://www.jnronline.com/ojs/index.php/about/article/view/769>
8. Ikhtiyarova G.A., Aslanova M. Zh., Dustova N.K. Microbiological changes in pregnant women with antenatal fetal death // European journal of research. - 2019. - No. 2. - R. 102 - 109.
8. Ikhtiyarova G.A., Aslanova M. Zh., Dustova N.K. Early markers of fetal growth restriction syndrome // Reproductive Medicine. - 2020. - No. 3. - S. 48-51.
9. Ikhtiyarova G.A., Aslanova M.Zh., Dustova N.K. Microbiological changes in pregnant women with antenatal fetal death // European journal of
10. Ikhtiyarova G.A., Aslonova M.Zh., Khafizova D.B. Microbiological and hormonal characteristics of the formation of non-developing pregnancy // Fundamental and practical issues of immunology and infectious diseases. - 2018. - C. 9 - 15.
11. Karimov Kh.Ya., Saidov A.B., Boboev K.T., Assesorova Yu.Yu. et al. Fundamental and applied aspects of molecular genetics in medicine. / Scientific publication. - Tashkent: IPTD "Uzbekistan", 2016 - 352 p.
12. Mashkova T.Ya. The clinical significance of determining the factors of angiogenesis, genetic and acquired forms of thrombophilia in the system of measures for the prevention of repeated IVF failures. // author. Cand. Dissertation. - Moscow. - 2016. - p. 28.
14. Khruslov M.V., Boeva M.I., Zhabin S.N., Ukhanova I.Yu., Avagova S.A. The incidence of thrombophilic polymorphisms in women with fetal loss syndrome living in the Kursk region. Thrombosis, hemostasis and rheology. 2014; 3: 35-8.
15. Bakhramova, S. U., Ikhtiyarova, G. A., Dustova, N. K., & Kudratova, R. R. (2021). Thrombophilic Complications in the Development of Gestational Hypertension. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 6198-6205.



16. Druil L., Damante G., D'Elia A. et al. Genetic thrombophilias and uterine artery Doppler velocimetry and preeclampsia // Int. J. Gynae col. Obstet. -2005 - Vol.88. - P.265 - 270.
17. Ikhtiyarova, G. A., Dustova, N. K., Kudratova, R. R., Bakhramova, S. U., & KHAFIZOVA, D. B. (2021). Pre-Course Training of Women With Reproductive Loss of Fetus in Anamnesis. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 6219-6226.
18. Ikhtiyarova, G. A., Tosheva, I. I., Aslonova, M. J., & Dustova, N. K. (2020). Prenatal rupture of amnion membranes as A risk of development of obstetrics pathologies. European Journal of Molecular and Clinical Medicine, 7 (7), 530-535. Retrieved from www.scopus.com
19. Mavlyanova N.N, Ixtiyarova G.I, Tosheva I.I, et al. The State of the Cytokine Status in Pregnant Women with Fetal Growth Retardation. J Med - ClinRes & Rev. 2020; 4 (6): 1-4.
20. Shakhnoza F. Bakhodirova, Gulchekhra A. Ikhtiyarova, Aslonova M.J., Salim S. Davlatov. Features of perinatal outcomes in women after supporting reproductive technologies // European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 02, 2020.p-6350